



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

127u -son

Bog‘ot shaharchasi

“А.Навоий” худудида фаолият кўрсатаётган “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалигига кўшимча узок муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

“А.Навоий” худудида балиқчилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалиги бошлиғи О.Машариповнинг фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. “А.Навоий” худудида балиқчилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалигига “А.Навоий” худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 850, 852, 854, 855, 856, 859, 1176-контурлардаги умумий ер майдони 14,8 гектар, шундан 9,0 гектар экин ери, 4,4 гектар кўллар остидаги, 0,1 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,3 гектар йўллар остидаги, 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини кўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалиги (бошлиғи О.Машарипов)га Богот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган “А.Навоий” худудидаги 858, 1175-контурлардаги, “Деҳқонбозор” худудидаги 277к, 509к,

508к, 550к-контурлардаги жами 14,6 гектар, шундан 14,0 гектар сунъий сув хавзаси, 0,6 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасига қўшимча 850, 852, 854, 855, 856, 859, 1176-контурлардаги умумий ер майдони 14,8 гектар, шундан 9,0 гектар экин ери, 4,4 гектар кўллар остидаги, 0,1 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,3 гектар йўллар остидаги, 1,0 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 29,4 гектар, шундан 9,0 гектар экин ери, 4,4 гектар кўллар остидаги, 14,0 гектар сунъий сув хавзаси, 0,1 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,3 гектар йўллар остидаги, 1,6 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан билан банд бўлган ер участкаси қолган (44 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га туман ҳокими билан “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “IDENTICAL WOLF” фермер хўжалиги (бошлиғи О.Машарипов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи фермер хўжаликларига кишлок хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чикувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев